



БОЛА АЗИЗ,  
ОДОБИ-ЧИ?

3

Зухра АШУРОВА:

ОТА-ОНАМДАН  
АНДОЗА ОЛГАНМАН



6



ТАРБИЯ САЛОМДАН  
БОШЛАНАДИ

8

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Машраб НУРИНБОЕВ  
сурат-лавҳаси.

Абдулла ШЕР

### ОИЛА

Оғримай қўяди эски яралар,  
Ноқулай сезилмас  
бужмайган изи.  
Олисда қоларлар  
қувноқ давралар,  
Энди маст қилади  
келиннинг иси.  
Гўёки киприкка  
қўнгандек қуёш  
Фақат ёруғликни  
кўрар кўзларинг.  
Уфқ ёш, олам ёш,  
сен ёшсан, у ёш,  
Яшариб кетади  
ҳатто сўзларинг.  
Тунлари тўшакда ёнган  
қўш гулхан  
Кундузги дунёни ёритар бирга.  
Шундай пайдо бўлар  
кичик бир ватан  
Йўғрилиб муқаддас  
қадимий нурга.

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинган кунни бутун маҳалламиз аҳли мени чин дилдан табриклаш учун қўлларидан гуллар билан уйимга кириб келишганида кўзларимга секин ёшлар келди. Нега десангиз, Ватанимизнинг шундай юксак мукофотига менинг номзодим лойиқ қўрилишининг ўзи улкан ишонч ва рағбат бўлди, десам янгилимайман.

Маҳалла — миллий қадриятларимиз, чиройли ва бетакрор анъаналаримиз маскани. Ўзаро меҳр-оқибат, қўни-қўшинчилик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, бир-бирининг ҳолидан хабар олиш каби фазилатлар минг йиллар давомида маҳалла ҳаётида шаклланди. Фарзандларимизни ҳар тарафлама баркамол этиб тарбиялашда ҳам бу тўшанинг ўрни беқиёс.

## ЎЛКАН ИШОНЧ ВА РАҒБАТ

Бугунги кунда Президентимиз раҳнамолигида айнан бу ўзига хос тизимга қаратилаётган эътибор, яратиб берилган имкониятлар тўғрисида жойларда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бунга ўзим фаолият олиб бораётган “Қаймоқли гузар” маҳалласи мисолида ҳам кўриш мумкин. Қўқон шаҳридаги қадимий маҳаллалардан бўлган бу ҳудудда истиқомат қилаётган сал кам учмига яқин аҳолининг кўпчилиги хўнгармандчилик билан шугулланади. Бешиксоз, қулол ва касаначиларимиз ўз хўнгарларини фарзандларига, ёшларга ўргатишмоқда. Шу боис маҳалламизда оилавий тадбиркорлик яхши йўлга қўйилган. Тикувчилик цехи очган Дилшодахон Усмонова хориж технология-

си асосида дунёдаги энг яхши фирмалар билан рақобатлаша оладиган даражада эркаклар қўйлақларини тикиб, ички бозорга олиб чиқмоқда. Натيجанда 20 нафар хотин-қизларимиз иш билан таъминланди. Маҳалламиз аёлларининг сифати хорижликдан кам бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқараётгани барча маҳалладошларимиз кўнглида гурур уйғотмоқда. Фотимахон Алиева, Манзуржон Абдуллаев, Сирожиддин Мингбоев, Муҳаммаджон Орипов каби маҳалладошларимизнинг хонадонларидаги ибратли анъаналар, оила аъзоларининг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати ҳар жиҳатдан ўрнатилган арзиш-гули. Табиийки, бундай намунали тажрибалар ёшларни маънавийатли, маърифатли қилиб тарбиялашда жуда қўл келаётир.

Ёшларни оилага тайёрлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, қиз-

### Шукрона

лар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиши, маҳаллада соғлом турмуш тарзини тарғиб этиши борасида амалга ошираётган ишларимизда вилоят ва туман хотин-қизлар кўмиталари кўмакдош бўлишмоқда. Маҳалламизнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Шаҳрихон Маҳмудова ҳар бир ишга бош-қош. Котиб Маъруфжон Бекмуродов, посбон Пўлатжон Мелибоев, ички ишлар нозир Убайдуллоҳ Абдуллаев ҳамда маҳалладошларимиз билан ўзаро ҳамжиҳатликда фаолият юритаётганимиз тўғрисида бугунги кунда “Қаймоқли гузар”имиз янада обод бўлиб бормоқда.

Матлуба СОДИҚОВА,  
“Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳибаси, Қўқон шаҳридаги “Қаймоқли гузар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

## ФАРЗАНДИНГИЗ МАКТАБГА ТАЙЁРМИ?

Айни кунларда мактабларда биринчи синфга ўқувчиларни қабул қилиш жараёни қизгин давом этмоқда. Болаларнинг салоҳияти ва интилишларига қараб, 6 ёшдан мактабга бериш истагидаги ота-оналар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Бундай ҳолатда ота-оналар нималарга эътибор бериши керак?

Бу саволга пойтахтдаги Олмасор тумани таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш педагогик, психологик диагностикаси методик таъминлаш кичик гуруҳи раҳбари Аҳмад УСМОНОВ жавоб беради:

— Болаларнинг мия фаолияти 2-11 ёшлар оралиғида жуда фаол ишлайди. Мана шу тўққиз йил мобайнида уларга камида 4-5 та чет тилини ўргатиш мумкин. Бироқ айрим болаларда бу жараён бироз сустроқ бўлиши ёки кечроқ бошланиши ҳам кузатилган. Ота-оналар уларнинг қизиқиши ва интилишларини аниқлаб, ҳозирдан йўналиш беришлари керак. Бошланғич таълимни эрта бошлаш боланинг интеллектуал салоҳиятининг ўсишига ва дунёқарашининг кенгайишига замин бўла олади. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, 1998 йилдан буён болалар олти ёшдан умумтаълим мактабларининг 1-синфига қабул қилинмоқда. Бу жараёнда фақат ота-оналарнинг розилиги билангина иш битмайди. Боланинг саломатлиги ва таълим олишга тайёрлиги психологик, педагогик ташхис комиссиялари томонидан текширувдан ўтказилади. Жорий йилнинг 2 майида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 154-сонли буйруғи эълон қилинди. Ушбу ҳужжатга асосан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 24 апрелдаги 130-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Олти ёшли болаларнинг психологик, педагогик ташхис комиссиялари тўғрисида»ги Низомии талабларига айрим ўзгаришлар киритилди. 2012-2013 ўқув йилига қадар сентябрь ойигача 7 ёшга

тўладиган болалар 1-синфга тўғридан-тўғри қабул қилинади. Ҳужжат бандларида кўрсатилганидек, жорий йилнинг 1 январидан 31 декабригача бўлган даврда 7 ёшга тўладиган болалар ҳам 1-синфга тўғридан-тўғри қабул қилинади бўлди. 1 январдан 1



сентябргача бўлган даврда 6 ёшга тўладиган болалар эса психологик, педагогик ҳудудий комиссияларнинг ҳулосасига кўра, 1-синфга қабул қилинади. Ҳозирда туманимизда 34 та мактаб бўлиб, 6 ёшдан мактабга берилиши режалаштирилган болаларни 24-сонли умумтаълим мактаби биносидан синовдан ўтказаяпмиз. Унда тиббий кўрик ҳулосаларига мувофиқ жисмоний ва ақлий жиҳатдан мутоқ соғлом деб топилган болалар Республика ташхис маркази методик кенгаши томонидан амалиётга тавсия этилган махсус психологик методик тавсиялар асосида синовдан ўтказилмоқда. Мазкур тавсияларда мактабгача ёшдаги болаларнинг мактабга умуметуклик даражасини ўрганиш юзасидан йўл-йўриқлар берилган. Яъни, комиссия боланинг ақлий имкониятлари, тасаввури, идрокки, билиш жараёнининг шаклланиши, сезги, белгиларга қараб ажратиш, диққат, ҳаёл, сўз бойлиги, фикрлаш қобилияти каби мактабга психологик тайёргарлик даражасини аниқлайди.

## Мавсум мавзуси

Ақсарият ота-оналар ўз фарзандларини мактабга чиқиши учун етарлича тайёрланган деб ҳисоблашади. Аммо болаларни психологик ва педагогик синовдан ўта олмас уларда норозилик ва эътирозлар ҳам учраб турибди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, биз мактабда бошланғич таълимни олишга лойиқ деб саралаб олишимиз учун ишлаб чиқарилган ушбу методик талаблар мутахассислар томонидан ўрганилиб, синовдан ўтказилган. Бундан ташқари қабул жараёнида яна бир муаммоли ҳолатга дуч келмоқдамиз, ўзбек хонадонидан яшовчи баъзи ота-оналар фарзандларини рус синфига беришни ва шу орқали бола келажақда рус тилида яхши сўзлаша олишини исташади. Аммо бир нарсани унутмаслик керакки, бола мактабга тил ўрганиш учун эмас, балки таълим олиш учун келади. Шу ёшгача фақат ўзбекча мулоқот-муносабатлар ичида шаклланиб борадиган синфда ҳеч нимани тушунмай ўтиравериши аниқ-ку! Уйига борганидан кейин уй вазифаларини ҳам бажара олмайди. Оилада ҳам ўзбек тилида гаплашишади. Қарабсизки, бола ноқулай ҳолатга тушиб қолади ва фанларни ўзлаштиролмай хуноб бўлади. Бундай вазият боланинг ўз тенгқурларига қўшила олмай, одамови бўлиб қолишига олиб келади. Ўша бола мактабни тамомлаганича рус тилида мукамал гаплашишни ўрганиб олар, аммо таълим ва билим олишда тинимсиз оқсагани оқибатида ўзига ишончи йўқолади ва келажақда етуқ кадр бўла олмайди.

Жорий йилдан бошлаб Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида"ги Қарорига биноан барча мактабларда 1-синфдан чет тили сабоқлари ўтилади. Юқориди ҳолатларни инобатга оладиган бўлсак, ўзбек хонадонидан улғаяётган, рус тилини дярли билмай туриб, рус синфига борадиган болаларга бир эмас, иккита чет тилини ўзлаштириш анчайин қийин кеади.

Шу боис ота-оналар боланинг келажаги ҳақида пухта ўйлаб, бир қарорга келиши ва уни мактабга бераётганда албатта шу жиҳатларга эътибор қаратишларини истардик.

**"Оила ва жамият" муҳбири Барно МИРЗААХМЕДОВА ёзиб олди.**

## Жараён

## НОТАРИАТ МАҚОМИ ОШМОҚДА

Нотариат қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни ҳамда улар билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатларини нотариуслар томонидан амалга ошириш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга масъул бўлган ҳуқуқий институтдир. Нотариал ҳаракатлар "Нотариат тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ давлат нотариал идораларининг нотариуслари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида нотариат институти янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги 2010 йил 5 майда имзоланган Фармонига мувофиқ, нотариат институти янада такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда унинг ролини ошириш мақсадида хусусий амалиёт билан шуғулланиб келган нотариал идоралар фаолияти 2010 йил 15 майдан эътиборан тугатилди. 2010 йил 14 сентябрда "Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Унга кўра, "Нотариат тўғрисида"ги қонунга ҳам бир қатор ўзгаришлар киритилди. Жумладан, нотариус ёрдамчиси ва стажёрининг мақоми, уларнинг ваколатларини белгилаб берадиган алоҳида модда киритилди.

Бир сўз билан айтганда, бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси инсонпарварлик тамойилига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини янада ошириш, энг асосийси, фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган ҳуқуқларини сўзсиз таъминлашга хизмат қилади.

**Режавали СОТИВОЛДИЕВ,  
Куйи Чирчиқ тумани ДНИ нотариуси.**

## БАРҚАРОРЛИК МЕЗОНИ

Тинч-тотув, аҳиллик барқарор бўлган оила юрт қўрқи, жамият кўзгуси. Инсонга хос бўлган барча эзгу фазилатларни ўзида мужассам этган, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўрғони — оиланинг мустаҳкам бўлиши учун ҳам ҳуқуқий, ҳам тиббий ва ижтимоий жиҳатдан ёшларнинг билимларини ошириб бориш муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Юртимизда ёшларни баркамол, соғлом ва интеллектуал салоҳиятли қилиб, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Чирчиқ шаҳрида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш учун Чирчиқ шаҳар ФХДЭ бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар прокуратураси, ички ишлар бўлими, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус касб-хуна таълими ҳудудий бошқармалари, Камолот ЁИХ билан ўзаро келишилган ҳолда ўрта махсус касб-хуна коллежлари ўқувчиларига ёш оила қурувчилар мактаби — "Оила дорилфунуни" машғулотлари бўйича ҳамкорлик режасини ишлаб чиққан. Ушбу ҳужжатга асосан шаҳримизнинг барча ўрта махсус касб-хуна коллежларида таҳсил олаётган 3-босқич ўқувчилари билан жорий йилнинг биринчи чорагида беш марта амалий машғулот ва ФХДЭ бўлимида уч марта давра суҳбати уюштирилди. Бу тadbирларда никоҳланувчи шахслар ва ибратли оила вакиллари ҳамда касб-хуна коллежлари ва умумий ўрта таълим мактабида таҳсил олаётган ўқувчи ёшлар фаол иштирок этди.

Яна бир эътиборли томони шундаки, вояга етиб келаётган қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида шаҳар касб-хуна коллежлари ва умумий ўрта таълим муассасаларида ташкил этилган "Ораста қизлар" тўғараклари фаолияти ҳам оммалашиб бормоқда. Машғулотларда ёшларнинг оила ҳақидаги тасавурларини кенгайтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий кўриқнинг аҳамияти ҳақида тарғибот ва тушунтириш ишлари кучайтирилмоқда.

**Муяссар КЕНЖАЕВА,  
Чирчиқ шаҳар ФХДЭ бўлими инспектори.**

## ҲАЛОЛ МЕҲНАТ МЕВАЛАРИ

Сайима Қулматовани меҳнатдан бахт топган онахон, десак асло муболага бўлмас. Фидойи мураббий Оққўрғон туманидаги Ҳамза номли 6-ўрта мактабда қирқ йил ёшларга сабоқ берди. Айни пайтда саксон ёшни қарши олган Сайима ая умр йўлдоши Юнус ака билан кексалик гаштини суришяпти. Уларнинг умид билан тарбияланган беш фарзанди элдoshлари ва ўзларининг суяқли оилалари хизматида.

— Бугунги таълим тизимидаги ўзгаришлар ва янгиликларни кўриб, эшитиб ҳурсанд бўламан. Бундай пайтда яна қайтадан ёш бўлиб қолинг, гайрат билан ишлагинг келади, — дейди Сайима Қулматова. — Бир замонлар, ҳозир невараларимга айтиб берсам, ишониммайди, биз оддийги-



на кўргазмалли қуроллар етишмаслигидан ҳам қийналар эдик ва уларнинг ақсарини ўзимиз билганимизча қўлда ясардик. Бир даргоҳда, энди айтишга осон, қирқ йил ўқитувчилик қилиб, 10 та бошланғич синф ўқувчиларига, яъни 300 нафардан ортиқ болаларга сабоқ бердим. Ҳозир уларнинг 280 нафардан ортиги турли соҳаларда меҳнат қилмоқда. Тўй-томоша, байрамларга устоз сифатида қадрлаб тақдир этишса, бошим осмонга етади. Ҳалол меҳнат мевалари дегани шу бўлса керак-да...

**Пардабой ЭРГАШЕВ,  
Тошкент вилояти.**

**СУРАТДА: Сайима она Қулматова шогирдлари даврасида.**

## Фидойилар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 28-29 март кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ўн биринчи ялпи мажлисининг биринчи иш кунинда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 20-боби "Фарзандликка олиш" деб номланган қисми моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал кодекси 311-боб билан тўлдирилди.

Маълумки, болани фарзандликка олиш илгари васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра, туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилган эди.

Қонунчилигимиздаги ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, энди фарзандликка олиш фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ваколатига ўтказилди.

Бундан мақсад шуки, вояга етмаган боланинг манфаати учун суд ишни ҳар томонлама синчковлик билан чуқур ўргангани, муҳокама қилади ва қонунийликни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 151-моддаси куйидаги тахрирда баён этилди:

Фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатларини кўзлаб йўл қўйилади. Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахсининг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органининг фарзандликка олишнинг асослиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади. Ака-укалар ва опа-сингилларни турли шахслар томонидан фарзандликка олишга йўл қўйилмайди, фарзандликка олиш болаларнинг манфаатларига мувофиқ келган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 155-моддасига кўра, ўн ёшга тўлган бола фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади.

Шу модданинг иккинчи қисмига кўра, фарзандликка олишда боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органилари ёки суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда аниқланади.

159-модданинг 3 ва 4 қисмлари куйидаги тахрирда баён қилинган:

Ота-онанинг боланинг фарзандликка олинишига розилиги нотариал тасдиқланган ёки ота-она қарамогидан маҳрум бўлган бола жойлашган муассаса раҳбари томонидан ёки фарзандликка олиш амалга оширилаётган ҳақидаги ёхуд ота-она яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тасдиқланган аризада баён этилган бўлиши керак, шунингдек, фарзандликка олиш тўғрисида иш юритилаётганда бевосита судда баён этилиши мумкин.

Суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал

**Ҳа, бола ширин, тарбияси ундан-да ширин. Бирок, бу машаққатли ва масъулиятли жараён. Чунки фарзандлар: ўғил-қизлар бизнинг келажакимиз, уларни ҳаётга тўғри йўналтира олсак, мукамал инсонни тарбиялаб, муқаддас оила таркиб топиши учун мустаҳкам пойдевор яратган бўламиз. Орамизда ҳар тарафлама етук, мукамал инсонлар кўпайса, жамиятимиз, қолаверса, давлатимиз ривожини, келажакни бундан-да порлоқ бўлади.**

**Шу боисдан болалар ҳимояси муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида давлатимиз сиёсатининг асосий, устувор йўналишларидан бирига айланган.**

## БОЛА АЗИЗ, ОДОБИ-ЧИ?

### ёхуд фарзандликка олиш суд муҳокамасида



қилув қарори чиқарилганига қадар ота-она боланинг фарзандликка олинишига берган розилигини қайтариб олишга ҳақли.

Шу кодекснинг 171-моддаси баёни куйидагича:

Фарзандликка олишни бекор қилишга фақат суд тартибда йўл қўйилади. Фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилишда ўн ёшга тўлган боланинг фикри ҳисобга олинади.

Бундан ташқари ушбу кодекснинг 237-моддасининг 4-қисми куйидаги тахрирда баён этилди:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаётган болани фарзандликка олиш фарзандликка олувчи қайси чет давлат фуқароси бўлса, ўша давлатнинг ваколатли органи томонидан амалга оширилганлиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг фарзандликка олиш тўғрисидаги руҳсати олдидан олинган бўлсагина Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Хўш, энди фарзандликка олиш учун қандай ҳужжатлар судга тақдим қилинади ва бу тоифадаги ишлар юзасидан фуқаролик судларида қандай тартибда иш юритилади?

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал кодексининг 285'-моддасига

кичаради, унга кўра, фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги васийлик ва ҳомийлик органилари зиммасига фарзандликка олиш асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида судга хулоса тақдим этиш мажбурияти юкланади.

**Васийлик ва ҳомийлик органининг фарзандликка олиш асосли эканлиги тўғрисидаги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги ҳақидаги хулосасига куйидагилар илова қилинган бўлиши керак:**

— фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойи ёки фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яшаш жойи бўйича васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тузилган фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яшаш шaroитларини текшириш далолатномаси;

— фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яшаш шaroитларини текшириш далолатномасида бошқа маълумотлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 152-моддасида назарда тутилган фарзандликка олиш учун тўсиқлар бор-йўқлиги ҳақида кўрсатилиши шарт;

— фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги тўғрисидаги далолатнома ёзувидан кўчирма;

— фарзандликка олинаётган боланинг соғлиги ҳолати, жисмоний ва ақлий ривожланиши ҳақидаги тиббий хулоса;

— ўн ёшга тўлган фарзандликка олишга, шунингдек, фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилиши мумкинлиги ва фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) унинг ота-онаси (отаси ёки онаси) сифатида қайд этилишига розилиги, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 156-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; (Агар бола фарзандликка олувчиларнинг оиласида тарбияланаётган бўлса ва уларни ўз ота-онаси деб эътироф этса, фарзандликка олиш фарзандликка олинаётган бо-

Долзарб мавзу

**Тўғри, болаларга — ҳаши улар бола экан — ота-оналар васийлик қилишлари керак, бирок, айни пайтда улар бир умр бола бўлиб қолмайдиган тарзда тарбиялашлари лозим.**

Х.ВИЛАНД

ланинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин);

— бола ота-онасининг (отасининг ёки онасининг) унинг фарзандликка олинишига розилиги, ўн олти ёшга тўлмаган ота-онанинг боласи фарзандликка олинаётганда эса ота-она қонуний вакилларининг ҳам розилиги, қонуний вакиллар мавжуд бўлмаган тақдирда эса васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 160-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

— бола унинг қариндошлари бўлмаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олинганда ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни ва фарзандликка олишга номзодларни ҳисобга олиш бўйича маълумотлар базасида фарзандликка олинаётган бола ҳақидаги маълумотлар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек, болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари оиласига тарбияга олиш ёки боланинг қариндошлари томонидан ушбу қариндошларнинг фуқаролиги ва яшаш жойидан қатъи назар фарзандликка олиниши имконияти мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Васийлик ва ҳомийлик органининг фарзандликка олиш асосли эканлиги тўғрисидаги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги ҳақидаги хулосаси туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими муdiri (раҳбари) томонидан тасдиқланган (имзо, муҳр) бўлиши лозим.

Фарзандликка олиш фарзандликка олинганнинг ва фарзандликка олувчилар (олувчи) нинг манфаати учун сир сақланиши қонун билан белгиланган. Бунга кўра, фарзандликка олишни ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Демак, қонунчилигимизда яна бир илдам қадам ташлангани, бу албатта фарзандликка олинаётган ўғил-қизларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш учун давлатимизнинг демократик тамойилларни ҳаётга таъбиқ қилинаётганлигидан далолатдир.

**Ибодат ШОЙМАРДОНОВА,  
Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят суди судьяси.**

**Зухра Ашурова — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси. Оилали. Икки фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоғи Қахрамон Ашуров "Ёшлар" теле-радиоканалида режиссёр. Санъаткор билан суҳбат давомида унинг сизу биз учун номаълум бўлган айрим кирраларидан ҳам огоҳ бўлдик.**

**Зухра АШУРОВА:**

## ОТА-ОНАМДАН АНДОЗА ОЛГАНМАН

— Зухра опа, инсонни ҳаётда қандай ўрин эгаллаши болаликда олган тарбиясига боғлиқ, дейишади. Ортга қайрилиб, болалик хотираларини ёдга олганимизда қандай ҳис-туйғулар кўнглингиздан ўтади?

— Болалигим Тошкент вилоятининг Қибрай туманида ўтган. Жудаям бахтиёр, хушчақчақ, бекаму кўст оилада улгайганман. Отам Жўра ака Исмоилов инженер-энергетик, раҳматли онам Ҳанифа ая уй бекаси бўлган. Оиламизда олти фарзанднинг бешинчисиман. Ота-онамнинг бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббати, муомала маданияти бизларга ҳам ўтган. Улар бизнинг олдимишда бақир-чақир қилиб жанжаллашган ёки бир-бирларини беҳурмат қилганларини эслолмайман. Отам балад келса, онам паст тушиб, ўша ҳолатни оғир-босиқлик билан ўтказарди. Жаҳддан тушгандан кейин: «Дадаси, бая сиз нотўғри гапирдингиз», деб ҳаттоларини ётиги билан тушунтирарди. Отам онасидан эрта етим қолиб, ўғай онанинг қўлида ўсган экан. Ёшлигимда очарчилик, қахатчилик, йўқчиликни кўриб улгайган. Бизни она қизим, деб сизлаб гапирарди. Ўқимшли бўлишимизни истарди. Олий маълумотли одамнинг нони бутун бўлади, ҳеч қаерда хор бўлмайди, деб насихат қиларди. Таътилга чиққан пайтларимиз дадамга бадиий китоблар рўйхатини ёзиб берардик. Бозорга тушиб, бизга китоб олиб келар, ўқиган ҳикояларимизнинг мазмунини эринмай сўрарди. Отам бўш вақтларида скрипка чаларди. Энди билсам, юрагига йиғилган ғамларини, дардларини куй орқали чиқариб оларкан. Туман марказида мусика мактаби очилгач, мени ўзлари етаклаб олиб борган. Рубоб чалишни ўша ерда ўрганганман. Отам суратга олишни ҳам яхши кўрарди. Онамнинг бир сурати бор. Халигача уни асраб-авайлаб келаман. Озгингина онам сўрида чордана куриб, бошини «Ўткан кунлар» романига эгиб ўтирган ҳолат. «Бобур» видеофильмидаги Хонзода бегим образини яратишда онамнинг характерида андоза олганман. Уларнинг ёшу қарини сизлаб гапиришлари, феъл-атворидаги мулоимлик, хушмуомалалик, чиройли ху-

сусиятларини ролларимга кўчирганман.

— Халқимизда қиз болалиги отаси урса бахтсиз бўлади, деган ибора юради. Афсуски, айрим оталар қизларига нисбатан ўта қаттиққўллик билан муносабатда бўлишлари натижасида уларнинг характерларида бағритошлик, тор феъллик хусусиятлари шаклланиб қолади. Қиз бола тарбиясида отанинг ўрни қандай бўлиши керак деб ҳисоблайсиз?

— Ҳеч ким ёшлигидан мукамал, бенуксон бўлиб ўсмайди. Бизнинг ҳам ўзимизга яраша шўхликларимиз, инжиқликларимиз бўларди. Онам раҳматли жаҳдлари чиққанда: «Ҳаммаининг уйига дўлана ёғса, меникига девона ёгади», деб койирдилар. Аммо бирор марта бизни ҳатто чертиб ҳам қўймаган. Мактабни тугатиб, санъат институтига кираман деганимда отам ўйланиб туриб, (балки ичларига ғашлари келгандир) «Майли қизим, қаерда бўлса ҳам ўқи, олий маълумотли бўл. Шу институтга киришингга ишончинг етса, ҳаракат қилиб кўр, мен розиман», деди. Отам мени суҳандон бўлишимни хоҳларди. Институтда ўқиб юрган кезларим шеър, газаллар ўқиб телевидениеда кўринганимда отам роса хурсанд бўларди. Институтни тугатиб, театрга ишга кириётганимда норозиликларини юзимга айтмай, уйимизга меҳмонга келган дугонамга: «Она қизим, ўртоғингга тушунтириш, шу театрда ишласин» деган. Шу гапни ўзимга айтмай, мени аяган. У пайтлар, ўтган асрнинг саксонинчи йилларида қизлари санъаткор бўламан деганида, уни бу йўлдан қайтариш учун дўппослаб уриб, майиб қилиб қўйган оталар ҳақида ҳам эшитганмиз. Артист бўлмайсан, деб акалар сингилларини уйга қамаб ўтирган даврлар эди. Бир-иккита ролларим билан экранда кўриниб, оғизга тушганимда одамлар орасида «Жўра монтернинг (отам инженер бўлгани боис электр сизиларини тузатиб турарди) қизи артист бўлиб кетибди. Энди уни ким ҳам оларди, эр чиқмайди» деган гап-сўзлар ҳам тарқалган. Шуларнинг барчасини ичларига ютиб, қийинчиликларни енгиб ўтишда ёнимда туришган. Мени ёмон кўзлардан асраш учун отам спектаклларга ўзлари

олиб келиб кўрарди. Бир кун кутилмаганда: «Қизим кимлар билан ишлайсиз?», деб сўраб қолдилар. Шукур Бурхонов, Сора Эшонтураевалар номини эшитгач: «Ана кўрдингизми онаси, кўпни кўрган, эл таниган одамлар билан ишлагани учун ҳам қизингизни уй тутиши ҳам, одамлар билан муомаласи ҳам бошқача», деб онамни юпатган эди.

Эришган ютуқларимнинг барчасида ота-онамнинг ҳам ўзига хос камтарингина хизматлари бор, десам янглишмайман. Уларнинг юраклари катта, кўнглилари кенг бўлгани учун ҳам мен ҳаётда ўз ўрнимни топдим. Қиз болалиги қалбини тиниқ ойнага ўхшатаман. Шу ойнадан кимдир қора ният билан нигоҳ ташладими, унинг ҳаёт йўқларига қора соя тушади. Қизларимиздан энг ширин сўзларимизни, меҳримизни қизғонмайлик. Чунки улар эртага бизнинг невараларимизни тарбиялайди.

— Жуда кўп кузатганман, негадир, доим қулиб юрасиз. Ҳатто бу яратган образларингизга ҳам кўчган. Бу ниманинг белгиси?

— Ёшлигимда жуда кўп касал бўлган эканман. Ота-онам елкасида опичлаб, касалхонама-касалхона олиб юриб даволатишган. Ҳатто даво излаб чет элга ҳам боришган. Шунданми, кўзларимда қандайдир маъюслик бор. Ана ўша маъюсликни яшириш учун жилмайишга ҳаракат қиламан. Бир ширим бор: «Кўлингдан яхшилик қилиш келмаса, биров билан келиша олмасанг, хушмуомала бўл». Жилмайишни хушмуомалаликнинг бир тури деб биламан.

— Бугунги давр оналар зиммасига ҳам фарзанд тарбиялаш, ҳам жамиятнинг фаол аъзоси бўлиш талабини қўйяпти. Сизнингча, бу маъюслиятли вазифаларни аёлларимиз қай даражада удалашяпти?

— Шахсан мен аёлни фарзанд тарбияси билан биргаликда жамиятда ҳам фаол бўлиши тарафдориман. Чунки ишлайдиган аёл энг аввало оилада, қолаверса, жамиятда ҳам ўрни борлигини исботлаб яшайди. Аммо баъзида аёл пул топиш мақсадида кўчага чиқиб, оиладан узоқлашиб кетди, деган ташвишли гап-сўзларни эшитамиз. Аёл ортиқча даромад топиш

**Гурун**



мақсадида эмас, жамиятга бирор фойдаси тегиши учун меҳнат қиляпти. Оналик, аёллик, раҳбарлик, келинлик ролли бир маромада қойиллатиб олиб бораётган аёллардан дугоналарим кўп. Уларнинг фарзандлари илм-фан, маданият, спорт соҳасида эришаётган ютуқларини эшитиб хурсанд бўламан. Бундайлар Ўзбекистоннинг юксалишига, бутун жаҳонга танилишига ҳисса қўшиб келишяпти. Мен уларни олқишлайман.

— Қайси актрисаларнинг саҳнада яратган образига, қайсиларининг оилада тутган ўрнига ҳавас билан қарайсиз?

— Театрда мен ҳавас қилиб, ўшалардай бўлишга интилган ҳамкасбларим кўп. Улардан биттаси Сайёра Юнусова. У ҳозир шириндан шакар невараларнинг бувиси. Рисоладагидек аёл, иқтидорли актриса сифатида хурматим чексиз. Ўзи камтар, камсуқум. Ҳеч ким билан иши бўлмай, бир четда юради. Аммо саҳнага чиққанида у кишини танитай қоласиз. Яратган ролларининг ҳаммаси ранг-баранг. Ёш аёл образини ўйнаса, ёшариб кетади, кексани ўйнаса мункиллаб қолади. Кўп китоб ўқийди. Вақтни кадрлайди. Худа-беҳуда, майда-чўйда муаммолар билан бошини қотириб юрмайди. Ўз дунёсида яшайди.

— Бугунги кунда ота-ўғил, она ва қиз санъаткорлар жуфтлиги кўпайиб кетди. Санъатда ҳам авлодлар давомийлиги шаклланиб қолмаяптими?

— Етмиш ёшдан ошган Собир ака исмли шифокор танишим бор. Ундан фарзандларингиз қайси касбни танлаган, деб сўрасам ҳаммаси шифокор, деб жавоб берди. Демак, ота касбини танлаган. Бундай анъана ҳар бир соҳада бор. Нега энди санъаткорнинг фарзанди отаси ёки онасининг касбини эгалламагани керак? Ота йўлидан борган фарзанд танлаган касбини оқлаб, эл олқишига сазовор бўлса, мен фақат тасанно айтаман.

**“Оила ва жамият” муҳбири Нигора РАҲМОНОВА суҳбатлашди.**



**ҲАЙБАТ** — “Ҳайбат” сўзининг туб илдиизи “кўрқув”, “вахима”, “дахшат” деган маъноларни англатади. “Ҳайбатидан от хурқади” деган ибора ҳам шу маънодан келиб чиққан. “Баҳайбат” сўзи ҳам шунга алоқадор. Бу сўзнинг кадр-қиммат, эътибор, нуфуз мазмунидаги ифодаси кейин пайдо бўлган.

**Очил бува Чинортоғ этагида ҳайбат билан қорайиб турган чинорга узоқдан тикилиб, тонг оттирди.**

*Асқад Мухтор*

**ШИТОБ** — “Шитоб” сўзига мумтоз адабиётимиз намуналариде, умуман адабий асарларимизда кўп дуч келамиз. Бу сўзнинг туб илдиизи “шошилмоқ”, “ошиқмоқ”, “суръат” каби маъноларни англатади.

**Ярашгайдир ажаб сенга**

**Ажаб нозу таманнолар “Кетурман!” — деб шитоб этдинг, Шитобинг ичра мен борман.**

*Абдулла Орипов*

**ШАЖАРА** — тилимизда бир аждоддан тарқган кишиларнинг келиб чиқиши ва ўзаро қариндошлик даражасини акс эттирувчи силсила маъносини англатган “шажара” сўзининг туб илдиизи “даррахт” деган мазмунни ифодалаган.

**Бизнинг оиламизнинг ўз шажараси бор. Ундан боболаримиз ҳақида билиб оламиз.**

*Журналдан*

**ХАШАК** — тилимизда чорва учун озуқа, ем-хашак маъносини англатган “хашак” сўзининг туб илдиизи “қуруқ”, “қуриган”, “қуритилган” деган маънони англатади. Шунингдек, “хашаки” сўзи ҳам тилимизда ишлатилади. Бу сўз ҳам бир қанча маънога эга. Бу сўз “қуриганлик”, “қуроқчилик”, “дағаллик”, “майда-кашлик”, “жўн” каби маъноларни билдиради.

**Орамиздан уч-тўрт кишини хашак йиғишга жўнатишди.**

*Журналдан*

**Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**

# ЭЗГУЛИК УЛАШАЁТГАН АЁЛ

**Нарпай туманидаги “Нарпай Навоий савдо” масъулиятли чекланган жамияти туман аҳолисига сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бераётган корхоналардан саналади.**

— Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида тadbиркор хотин-қизлар учун яратилаётган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда, 2002 йили ушбу жамиятни ташкил этган эдик, — дейди корхона раҳбари Дилором Тахматова. — Ҳозирги кунда жамоамизда тўққиз нафар ишчи фаолият кўрсатаёпти. Мустақиллигимизнинг 22 йиллик улкан тўйига тўёна сифатида аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида Дедан маҳалласида озиқ-овқат савдо дўконини ишга туширяпмиз. Натижада яна икки нафар ишчи ўрни очилади.

Тиниб-тинчимас Дилором опанинг доим шижоат билан елиб-югуриб ишлаганини кўрган киши унинг иродасига, сабру бардошига қойил қолади. Ҳар куни, ҳар дақиқада хуш кайфиятда юриши, ўзгалар билан самимий муомалада бўлиши бу аёлнинг фазилати...

Бир маҳаллар аввалига мактабда, кейинчалик эса техникумда ҳам тиришқоқлик билан ўқигани, айниқса, буюк ёзувчи ва шоирларнинг асарларини синчиклаб мутолаа қилиб, ички дунёси, маънавиятини бойитиб боргани тўғриси ҳам Дилором опа элдошлари орасида обрў топди, эътибор қозонди. Ниҳоят шундай даражага эришди десак, муболага бўлмас. Раҳматли турмуш ўртоғи Шокир ака билан бир ўғил, уч қизни тарбиялаб, оқ ювиб, оқ тараган Дилором опанинг оиласига бутун “Тортувли” маҳалласи аҳли чин дилдан ҳавас қилади, намуна сифатида тил-

га олади. Бугунги кунда қизлари ўзлари тушган хонадонларни гулла-тиб, улар ҳам кўпчиликдан дуо олаётир.

— Ўз маҳалласида эмас, балки Нарпай туманида ҳам бошқа хотин-қизларга ибрат бўлса арзийдиган Дилором Тахматова ҳақида ҳар қанча гапирсак ҳам камдек туюлади, —

дейди туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шоира Бобоқуллова. — Уни кимдир жамоатчи, жонфидо опа, кимдир суҳбатли самимий дилкаш аёл, кимдир саховатли, меҳрибон она, буви сифатида танийди, ҳурмат қилади. У иш, оила ташвишларидан ортиб, туманимизда ўтадиган ҳар бир маданий-маърифий тadbирларда фаоллик кўрсатади. Самимий ва мазмунли мулоқотлардан завқланади, куч олади.

— Бу дунёга келиб англаган оддий ҳақиқатим шуки, одамларга керакли бўлиш энг буюк бахт экан, — дейди Дилором опа гургура тўлиб. — Яқинда Юртбошимиз ташаббуси билан Ноғорахона маҳалласида бунёд этилган намунавий турар-жойдан 4 хонали уй олдим. Насиб этса, ўғлимни уйлантириб, ўша шинам ва кўркам қилиб қурилган уйга келин туширмоқчиман.

“Фидокор кишилар куёшдек зарур. Улар жамиятнинг энг шоирона ва ҳаётбахш элементи бўлиб, бошқаларга ҳаяжон, таскин берадилар ва ёшартирадлар”, деб ёзганда улғур рус ёзувчиси Антон Чехов бугунги қаҳрамонимиз Дилором опаларга ўхшаган фидойи инсонларни назарда тутган бўлса не ажаб!

**Хошим ОРЗИҚУЛОВ,  
“Оила ва жамият” муҳбири,  
Самарқанд вилояти.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Наманган вилояти Уйчи туманидаги «Бог кўча» маҳалла фуқаролар йиғинида 4380 нафар аҳоли, 893 хўжалик, 1250 та оила истиқомат қилади. Уларнинг турмуш тарзи бир-бирини тақрорламайди. Бирок илдишлари мустақам, миллий анъаналарга бой, касб-хунари ортидан кадр-қиммат топаётган, меҳнаткаш ва билимли фарзандларни тарбиялаётган хонадонларнинг саногии йўқ.

— Бундай оилалардаги соғлом муҳитни бошқа хонадонларга ҳам сингдириш бизнинг олдимизда турган асосий вазифалардан бири, — дейди шу маҳалла маслаҳатчиси Мастураҳон Кўчқорова. — Чунки оилада тотувлик, бир-бирини тушуниш, ҳалол меҳнатга интилиш бўлса, бундай турмуш ўз-ўзидан фаровонлик касб этаверади. Қайси уйда аёл укувли, фаросатли, сабртоқатли бўлса, эркак эса тadbир билан иш тутиб, узоқни кўра билса, бу хонадонда файзу барака бўлади.

Жорий йилни Президентимиз ташаббуси билан «Обод турмуш йили» деб аталган бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклади. Бу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурининг ҳар бир бандида инсон манфаатлари, истиқболли мақсадлар зикр



## “БОГ КЎЧА”НИНГ ТАРОВАТИ

этилган, хусусан, оилаларнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш, маънавий эҳтиёжини қондириш, барқарорлигини таъминлашдек эзгу ниятлар муҳасам. Бу ният-мақсадлар ўз-ўзидан ушалмайди. Ҳаракат, ўз ишига сидқидиллик, жамиятга наф келтириш орқали кўзлаган натижаларимизга эришамиз.

Дарҳақиқат, бу маҳалла аҳлининг ҳам кўнглида худди ана шундай эзгу ниятлар устувор. Худуддаги 6 та кўча доим озода, икки четида гулзорлар ташкил этилган. Ҳар шому сахар келинлар, қизлар кўчаларга сув селип, супуриб қўйишадик, ўтганнинг бахри дили очилади.

14 та савдо дўкони, 4 та сартарошхона, 2 та ошхона аҳоли хизматида. «Обод турмуш йили» Давлат дастури асосида белгиланган чоратadbирларнинг ижроси сифатида яна биттадан «Ўзгулик саломи» ва косибчилик устахонаси ишга туширилди. Пазандачилик бўйича ўқув курсининг очилгани, айниқса, аёлларни, ёшларни беҳад қувонтирди. Ҳозирда бу ерда ўндан ортиқ қизлар пазандачилик сирларини ўрганишда. Бу ўзгаришлар натижасида 5 та янги иш ўрнининг яратилгани ундандан қувонарли.

«Бог кўча»ликларнинг томорқадан фойдаланишда эзига хос тажрибаси бор. Қайси ҳовлига кирманг, шигил мева солган ток ва дарахтларга кўзингиз тушади. Бўйрадеккина ерда барқ уриб ўсиб ётган райхону жамбил, ошқўқлар ҳам эзгу ниятлар ҳосиласи. Жуда кам оилалар сабзавот ва резаворларни бозордан сотиб олишади.

Кейинги йилларда маслаҳатчи деганда, кўз олдимизга тиним билмайдиган, маҳалланинг «ўтидан кириб, сувида чикадиган», шижоатли, шунга яраша маърифатли, сўзи бутун аёлларни тасаввур этадиган бўлди. Бу бежиз эмас. Чунки ўтган йиллар ушбу масъулиятли вазифада айнан шундай салоҳиятга эга аёлларнинггина ишлаб кета олишини исботлади.

Мастура опа ҳам бундан мустасно эмас. Ўн йилдирки, ҳаёти маҳалла ва маҳалладошлар ташвиши билан кечаётир.

— Аҳолининг ҳуқуқий, тиббий маданиятини ошириш, оилада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, миллий қадриятларимизни тарғиб этиш ҳақида кўп гапирамузу, баъзида ўзимиз бироз сусткашликка йўл қўямиз, — дейди Мастура опа. — Бу йўналишларда ноанъанавий иш услубини ўзлаштирсак, амалга татиб этсак, фикрларимизни кишилар онгига содда ва тушунарли тарзда етказиб оласак, фаолиятимизда ҳамкорликни кучайтирсак, барча кўрсаткичлар ижобий бўлади. Яна шуну унутмаслик керакки, маслаҳатчи барчага ўрнук, бошқаларга маслаҳат беришга арзири аёл бўлиши лозим.

Бу мулоҳазалар бежизга эмас. Бугунги кунда зиёли, маърифатли ва кенг феълли маслаҳатчиларнинг фидойи меҳнатлари тўғрисида маҳалла-ларда бирдамлик, ҳамжихатлик мустақамлашиб бормокда.

**Шахло ТОШБЕКОВА,  
“Оила ва жамият” муҳбири.  
Наманган вилояти.**

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

### «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.  
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.  
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.  
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.  
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).  
Тиббий массаж — 2 ой. Нүқталар — 1 ой.  
Торт ва пишириқлар — 2 ой.  
Олий торт безатиш курси — 1 ой.  
Уйгур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.  
Жаҳон таомлари — 1 ой.  
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.  
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Тирноқ, киприк ўстириш ва депиляция - 1 ой  
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).  
Тўқувчилик — 2-3 ой.  
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.  
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.  
Декоратив гул, сарпо қути ва саватлар ясаш — 2 ой  
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.  
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.  
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Кўйлик киний бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

### БИР ҲОВУЧ ДУР

\*\*\*

Сўқрот — дўст, лекин энг яқин дўст — ҳақиқат.

АФЛОТУН

\*\*\*

Допишмандлик — фанларнинг энг аниғи.

АРАСТУ

\*\*\*

Ёлғон ҳам ичкиликбозликнинг ўзи. Ёлғончи ўлаётганда ҳам ёлғон гапириб ўлади.

ЧЕХОВ

\*\*\*

Ҳақиқатни ёмон кўрадиган одамлар уни дадил айтадиганларни ҳам ёмон кўрадилар.

ФЕЛЕНОН

— **Вой-дод, ким бор?** Ёрдам беринглар! — дея жон ҳолатда бақирган Моҳиниса хола кўшнининг дарвозасидан кирди худосизан кетди.

— Вой ўлмасам, ҳой Назира, сув опке! — деди ичкаридан югуриб чиққан Карима опа.

Бир зумда ҳаммаёқни кий-чув босиб кетди. Кампирга сув сепиб, юзига шاپалоқ уришганидан кейингина кўзини очди. Унинг пешонасидан совуқ тер чиқиб, дағ-дағ титрар эди.

— Нима бўлди, хола, тинчликми? Бирор нарсдан кўркдингизми? — деб кампирни сўроққа тутти.

— Илон, мени илон қувлади, — дея гўлдирарди Моҳиниса хола ҳамон кўркувдан титраганча.

Унинг аҳволи оғир эди. “Тез ёрдам”да шифохонага олиб кетишди.

Кўшнилари маслаҳатлашиб, кампирнинг уйига киришди. Айвонга қўйилган кроват остида кулча бўлиб ётган катта чипор илонни кўриб, уларнинг ҳам юраклари шувиллади. Ёшроқ йигит илонни ўлдириш мақсадида аллақердан белкурак топиб келди. Шунда кўпни кўрган Тождидин ака уни шашлидан қайтарди: “Уйдан чиққан илонни ўлдириб бўлмайди, ҳаммаларинг ўтиринглар. Қобилжон, ука сен оқсоқолни чақириб кел!”

Илон одам шарпасини сезса ҳам ўрнидан кўзголмади. Тез орада оқсоқол етиб келди. Кўшнилари дуо ўқийди, тиловат қилиб савобини шу уйдан ўтганларнинг руҳига бағишлашди. Ўтирганлар юзларига фотиҳа тортиб улгурмаган ҳам эдики, илон бирдан ўрнидан кўзгалди ва тўри ҳовлига қараб йўл олди. Шудгорга тушиб тезда кўздан ғойиб бўлди...

— Бу ердан ўтганларнинг руҳи безовта бўлганга ўхшайди, — деди оқсоқол ўрнидан тураркан.

Қолганлар ҳам унга эргашди. Карима опа қўшнисининг дарвозасига кулф солиб қўйди.

Анчадан буён ёлғиз ўзи яшаётган бу кампирнинг инжиққина феъли бор эди. Ортиқча даҳмаза бўлади, деб ҳатто невараларини ҳам уйига сиғдирмасди. Қизлари: “Ая, бизни эл ичида маломатга қўйманг, укамизнинг болаларини ёнингизга олиб келиб яшанг, қариб қолдингиз”, дейишса-да, “Онамдан ёлғиз тугилганман, ёлғиз яшайман”, дея бобиллаб берарди. Ноилож қолган қизлари тез-тез ундан хабар олиб туришарди.

Унинг уч қиз, бир ўғли бор эди. Чоли ичинчи қизини узатган йили юрак хуружи билан омонатини топширди. У вақтда ўғли Анваржон ўн уч ёшли бола эди. У ҳам отасига тортган, кам-

гап, камсуқум, ёш бўлишига қарамай, рўзгорнинг ўтидан кириб, кулидан чиқар, бу ишларни қизлар қилиши керак, деб ўтирмай онасига кўмаклашарди. Шундай бўлса ҳам онасидан нукул дакки эшитарди.

Моҳиниса холанинг бойликка ўчлиги, бозорда олди-сотди билан шуғулланишидан кўпчилик хабардор эди-ю, аммо унинг емай-ичмай пул жамғариши, уларни бировларга фоизга бериб фойда

чи билан куда бўлиш қолувда. Сен боланинг дидингга қачон ўт тушган-а?!

Бироқ бундай гаплар Анваржонни аҳдидан қайтара олмади. Кампир ноилож ён берди. Тўй ҳам бўлди. Келин-куёв бахтли эдилар... Лекин хола тўнини тескари кийиб олганди. У келинини менсимас, ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ, дерди. Бу жоғаролардан боши қотган йигит хотинига иш топди:

— Ишлаб пул топиб кел-

савдо қилса, кечаси заводда ишларди. Тўйиб ухламагани, еган ичганида ҳаловати бўлмагани учун кундан кунга саломатлигини йўқота бошлади. Бир куни тонгда заводдан қайтаётганида йўлда учиб келаётган юк машинасини пайқамай қолди. Автохалокат унинг умрига зомин бўлди...

Бу совуқ хабарни эшитган Муаззам даҳшатдан ўзини йўқотди. Энди унинг учун ҳамма нарса тамом бўлганди. Кулфатдан Моҳи-

ди”, дейишди. Уч кундан сўнг Муаззам болаларини олиб умид билан яна уйига қайтди. Минг афсуски, қайнонасининг феъли баттар айниди:

— Ҳа, шумқадам, отангникига ҳам сигмадингми? Ҳозироқ нарсаларингни йиғиштир, уйга харидор келди!

— Ойи, бизнинг гуноҳимиз нима? Ҳеч бўлмаса гўдакларга раҳмингиз келсин, кўчада қоламиз-ку! — ёлворди Муаззам.

— Бола катта қилиб нима хузур кўрдиму, сенлардан нима кўрардим?!

Муаззам яна изига қайтди. Ўртага маҳалла фаоллари, оқсоқоллар тушишди. Бироқ кампирни бу йўлдан Аллоҳнинг ўзи қайтармас, бандаси қайтаролмас эди.

Бу кўргуликлардан бошини қайси тошга уришни билмай қолган Муаззам туни билан мижжа қоқмай чикди. Тонга яқин кўзи илиниб, тушида Анваржонни кўрди. У жуда хафа, қовоғи солинган қўйи: “Йиғлама, яхшига ҳам, ёмонга ҳам Худо бор, ўзи билгувчидир”, дедию, кўздан ғойиб бўлди...

Муаззам шу тушдан хулоса қилиб, ҳеч қаерга арзга бормади, сабрга суянди.

Келини ва неваралари уйдан кетгач, Моҳиниса холанинг тинчи бузилди. У уйда ёлғиз қолди дегунча, қаердандир чипор илон пайдо бўлар ва унга қараб тураверарди. Кампир бу гапни қизларига айтди. Ҳар куни улардан бири онасини пойлашга келишарди. Баъзан илон кўринмай қолар, кейин яна пайдо бўларди. Бу маҳлуддан кўрқиб яшаш жонига тегиб, тоқати тоқ бўлган Моҳиниса хола ундан қутулишга аҳд қилди ва айвонга ўрмалаб чиқаётган илонни ўқлов билан уриб ўлдирмакчи бўлди. Қутилмагандан илон унга ташланди. Кампир жон ҳолатда ташқарига отилди. Зўрға қўшнининг дарвозасидан ўтиб олди...

\*\*\*

Кампир касалхонада ҳам ором топмади. Кўзини юмди дегунча, чипор илон пайдо бўлар, унга ташланаётгандек бўлаверарди. Касалхонадан чиққач, у ўз уйига юрак ютиб бора олмай қолди. Ҳали у қизиникида, ҳали бу қизиникида куёвларнинг қош-қовоғига термилиб яшашга мажбур эди. “Хайҳотдек ҳовлим бўлса-ю, тинчим бўлмаса. Уйимнинг файзи йўқ. Топган пулларибми энди ким эга чиқди?”, деб ўйлаб қоларди у баъзан. Шунда кулоқлари остида маҳалладошларининг: “Етимларга жабр қилманг, арвоҳлар безовта бўлади”, деган насихатлари жарангларди...

**Барно ҲАЙДАРОВА,**  
Андижон вилояти.



## АРВОҲЛАР ЎЛМАЙДИЛАР

олишини унча-мунча одам билмасди. Айниқса, эри ўлганидан кейин унинг бу “хунари” авжга чиқди. Пули кўпайгани сайин тобора зиқна бўлиб борар, баъзан ёлғиз ўғли Анваржонга китоб-дафтар олиб беришга ҳам оғринарди...

Орадан йиллар ўтиб Анваржон мактабни битирди. Институтга кириб ўқиш орзусини кейинга суриб, заводга ишга жойлашди. Шу орада онаси қийналаётганини айтиб уни уйлантирмакчи бўлди. Хола ўғли ҳали мактабни тамомламай туриб, қизи бор, ўзига тўқ хонадонларни мўлжаллаб, уни ҳам ўзи билан олиб юрарди. Унинг бой хонадондан келин олиш орзусини “нодон” ўғли чиппака чиқарди.

— Ҳали ёшман, уйланиш қочмайди, озроқ ишлай, пул топай, — дея оёқ тираб туриб олди Анваржон.

Моҳиниса хола йиғлаб-сиқтайвергач, охири Анваржон уйланишга кўнди. У ёшлигидан Дармон аканинг тўнғич қизи Муаззамни ёқтарарди. Бу гапни эшитган холанинг фиғони фалакка чиқди.

— Ҳов, тенгини билмаган аҳмоқ, бир камим трактор-

санг, ойимга ёқасан, — дея ҳазиллашди у.

Аммо бунинг акси бўлди. Муаззам қанчалик ҳаракат қилмасин, қайнонаси уни баттар турткиларди. Балки неварга кўрса, меҳри тушар, деган умидда сабр қилди.

Уч йил ичида икки ўғилли бўлиб ишга чиқолмай қолган Муаззамнинг еган-ичганидан ҳаловат кетди. Кампирнинг феъли айнигандан айниб, ўғлини кўпроқ пул топишни талаб қила бошлади.

Бир куни Анваржон хорижга бориб ишлаб келмоқчи эканини айтди. Буни эшитган Муаззамнинг ичидан бир нима узилиб кетгандек бўлди. Чунки эрисиз бу уйда бир кунгина яшашини тасаввур ҳам қилолмас эди. Анваржон “Узоғи билан уч-тўрт ойда қайтаман” деб ваъда берди. Бу гапни эшитган кампир севинганидан ўғлини йўлқира ташвишидан ҳам қутқарди, узундан узун дуо қилиб кузатди...

Анваржоннинг аввалига иши юришгандек бўлди. Уйига, онасига унча-мунча пул жўнатиб турди. Кампир унинг яна ҳам кўпроқ пул юборишини хоҳларди. Анваржон кундузи бозорда

ниса холанинг ҳам қадди дол бўлди, сочи қордек оқариб кетди. Муаззамга бўлган муносабати ўзгарди. Уни “қизим” дейдиган бўлди, невараларига меҳр қўрсатишга интилди. Бироқ бундай ўзгариш уч йилгина давом этди. Бойликнинг қулига айланган кампир бирдан айниди-қолди. Ҳе йўқ, бе йўқ бир куни келин бечорога захрини сочди:

— Отангда ор бўлганида сени аллақачон олиб кетган бўларди, тул хотинга ташлаб қўймасдан.

Томдан тараша тушгандек айтилган гапдан Муаззамнинг капалаги учиб кетди.

— Ойижон, нималар деяпсиз? Очқироқ гапиринг...

— Тушунтириб айтадиган бўлсам, эртага уйни бўшапти қўй! Ҳовлининг ярмини сотаман. Ўғлим ўлсаям қутилмадим сендан, болам ўлгунча сен ўлсанг бўлмасмиди...

Муаззам қулоқларини беркитди. Жазаваси кўзини кампир яна нималардир деб узоқ вайсади. Кейин қарсиллатиб эшикни ёпиб ўз хонасига кириб кетди.

Муаззам анчагача қарахт бўлиб ўтирди, кейин болалари мактабдан келганини кўриб ўзини ўнглади. Кўзлари жавдираб турган ўғилларини олиб онасиникига жўнади.

Ота-онаси уни юпатиб, “Қайнонанг қариб инжиқ бўлиб қолган, бугун бўлмаса эртага феълидан туша-



## ШИШАДАГИ МАКТУБЛАР

Одамлар машхур бўлишнинг не бир усуллари кеш қилишмайди дейсиз. Бундан беш йил муқаддам Буюк Британиянинг шарқий қирғоқларида жойлашган Брайтон курорт-шаҳри маъмурияти шаҳар фуқароси ҳисобланмиш 45 ёшли Стюарт Конвей (Stuart Conway) дан денгизга шиша идишларни улоқтиришни бас қилишни талаб қилишган.

Гап шундаки, ўзини ўта романтик деб ҳисоблайдиган Конвей жаноблари бир неча йил давомида денгиз орқали шиша идишларга солинган мактубларни номаълум манзилларга жўнатарди. Ундан ташқари, у бировларнинг номидан мактуб жўнатиш хизмати ҳам йўлга қўйган. Истаган одам Конвейнинг интернетдаги шахсий сайтига кириб, мактуб матнини қолдириши ва шиша идишлар шаклини танлаши мумкин бўлган. Шу тариқа Конвей томонидан тўрт мингга яқин шиша идиш денгизга ташланган. Унинг айтишича, мактубларда одамлар асосан дўстлашишни илтимос қилишади ёки қилган хатолари учун кечирим сўрашади, уни топиб олган кишига энг яхши ниятларини билдиришади.

Бироқ шаҳар маъмурияти Конвейнинг бу иши пляжга дам олиш учун келадиган сайёҳларга жабр етказиши мумкин, деб ҳисоблаган. Чунки денгизга ташланган шиша идишлар синиб кетиши ва чўмилётганлардан бирортасининг оёғини кесиб юбориши ҳам мумкин эди. Аммо Конвей бу эҳтимолларни рад этиб келган. Негаки, у ҳар гал шиша идишдаги мактубларни денгизга ташлаётганида, шамол ва сув оқимининг ҳаракатини яхшилаб ўрганиб чиқади. Шунинг учун у ўз фаолиятини тўхтатишни ўйламаган ҳам.

Дунёда соатлар кўп бироқ, уларни фақат биттасига қараб тўғрилашади. Бу энг аниқ вақт эталони бўлиши "Гринвич" соатирид. Мазкур соат Лондондаги Гринвич Қирол расадхонасида жойлашган. Қурилган вақти – 1852 йил.

Соат темир ва ойналардан ясалган бўлиб, унинг диаметри бор-йўғи 92 сантиметрни ташкил этади. Бу ихтиро Чарлз Шеперд томонидан бунёд этилган бўлиб, бугунги кунда бутун дунёда шу соатга қараб вақт тўғриланади.

Яна бир ажойиб соат борки, у фақат гуллардан иборат. Москва шаҳрида жойлашган бу мўъжиза 2001 йилда барпо этилган. Циферблатнинг диаметри 10 метр, соатнинг катта миля 4,5 метр, кичик миля 3,5 метрни ташкил этади. Ушбу соатни куриш учун саккиз мингга яқин гул керак бўлган. Унинг барча механизмлари ер остида жойлашган бўлиб, ер устига фақат миллари чиқиб туради. Ушбу соатнинг битта камчилиги бор. У фақат баҳор ва ёз ойларида ишлайди.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади

## ЧИМИЛДИҚҚА КИРМАГАН ҚИЗ

Қасбим технолог бўлгани учун ўз вақтида уйланишга шовилмадим. Охири келин танлашни онамининг ихтиёрларига топширдим. Кўп ўтмай, бир қиз билан учрашувга чиқдим. Қизнинг ибод билан ерга тикилган кўзларини, майингина табассумини кўришим биланоқ унга меҳрим тушди. Икки тарафнинг розилиги билан тўй куни белгиланди. Дилдора жуда хушодоб, ҳаёли қиз эди. Бўлажак рафиқам билан икковимиз тўйимизни ўтказиш учун тўйхонани бориб кўрдик. Олдиндан гаров пулини бердик ва қайтаётганимизда... мен учун ҳеч қачон унутилмас бўлган фожеа юз берди. Катта тезликда келаётган машина биз ўтирган машинага урилди. Кўзимни очибок, дарҳол Дилдорани сўрадим. Минг афсуски, автохалокат пайтида у... Чимилдиқ кўрмай кетган қизнинг нурли сиймоси куну тун кўз олдимдан кетмайди.

Онам, ҳали ёшсан, ҳаётингни бошидан бошла, ҳаммаси яхши бўлади дейдилар. Умид билан сизларга мурожаат қилаяпман. 30 ёшгача бўлган ибодли, самимий, меҳрибон қиз бўлса, бахтли қилишга сўз берардим.

САМАНДАР,  
Тошкент шахри.

## МЕҲР БЕРГАН МЕҲР КУТАДИ

Оилада тўрт фарзандмиз. Бир ўғил, уч қиз. Ота-онам ҳаммамизни орзу-ҳавас билан ўқитиб, уй-жойли қилишди. Ҳозирда икки олам ва акамнинг ҳаётлариға кўпчилик ҳавас қилади. Аммо тўнғичимиз Гулнора опамнинг турмуши узюққа бормади.

Сабаби, почтам жуда инжик бўлиб, арзиман баҳона топиб, опамга қўл кўтараверарди. Унга на ота-онаси, на маҳалла-кўй бас кела олди. Энг даҳшатлиси, бир куни ярим тунда уйига ичиб келган почтам ҳомиладор опамни, нега келишимни пойламай ухлаб ётибсан, деб аёвсиз калтаклабди. Эртаси куни туғруқхонага тушган опамнинг олдиға ота-онам кўргани боришса, у кал-

так-



лар зарбидан ҳомиласидан ажралиб қолган экан. Орадан кўп вақт ўтмай, улар ажрашиб кетишди. Бу аянчли воқеаларнинг содир бўлганига сал кам йигирма йил бўлибди. Қўрқиб қолган опам бечора шу-шу бошқа турмуш қурмади. Ҳозирги кунда опамнинг ёши 49 да. Савдо-сотик ишлари билан шуғулланади. Унинг барибир ўзини ёлғиз

ҳис қилаётганини сезаман. Бизнинг фарзандларимизга ҳавасланиб қарайди. Жиянларига сенинг тўйингни ўзим ўтказиб бераман, деб ният қилади. Аммо ҳар кимнинг ўрни бўлакча. Биз Гулнора опамга ҳар қанча меҳр-оқибат кўрсатмайлик, барибир дардлариға дармон бўла олмаймиз. Ўзлариға ўхшаб ҳаётнинг пасту баландини кўрган, оқибатли, уй-жойли, 60 ёшгача бўлган инсон бўлса узатардик.

ГУЛЧЕХРА опа,  
Тошкент.

## БАХТИЁРЛАР КЎПАЯВЕРСИН

— Ассалому-алайкум,  
Зиёдабқларнинг уйими?

— Ҳа, худди шундай, мен онаси бўламан.

— Бундан олти ой илгари ўғлингиз тахририятта мурожаат қилганди. Уларга бир аёлингиз телефон рақамини бергандик. Шунинг натижасини билмоқчи эдик.

— Ўзим сизларга кўнғироқ қилиб янгиликни айтмоқчи эдим. Қудам тахририятта бориб, раҳмат айтиб келамиз дегач, бироз иккиланиб қолдим. Зулҳумор исми қизнинг онасиға Зиёдабқнинг телефон рақамини берган экансиз. Бир ой бўлди турмуш қуришганиға. Ҳозир келишим ҳам, ўғлим ҳам ишда. Насиб бўлса тахририятта албатта ўтамыз.

## ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқниға хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

## Табиат — дорихона

## САБЗИНИНГ ХОСИЯТИ

Турли салатларга, таомларга қўшиб севиб истеъмол қилинадиган сабзининг ўзига хос хусусиятлари бисёр. Халқ табиатида унинг гуллари, илдиз меваси ва баргларида турли хасталикларни даволашда фойдаланилади. Таркибида эфир мойи, ёғ, флавоноидлар, минерал моддалардан натрий, калий, кальций, магний, фосфор ва темир мавжуд.

Сабзининг илдизи ичак оғриғи, сурунқали йўтал ва зотилжамга шифо бўлади. Саримсоқпиез ва зайтун мойи билан қўшиб пиширилгани қоринда сув йиғилганда яхши наф беради. Сутда қайнатилган сабзи ёки унинг шарбатини томоқ бўғилганда, буйрак тошини тушириш, кўз хиралашиши ва жигар хасталиғида истеъмол қилинса, даво бўлади.

Шунингдек, сабзидан қадимда ҳам саратон (рак)ни даволашда фойдаланилган. Чарчоқ, иштаҳа йўқолиши, шамоллаш, тери қатламининг қуриши, йирингли жароҳатлар, соч ва тирноқлар мўртлашганда шарбати ва унинг ўзағидан тайёрланган малҳам тавсия этилади.

Янги тайёрланган сабзи шарбатидан ҳар куни наҳорга 100-200 граммдан ичилса, буйрак ва ўт қопидаги тошни туширади. Бир пиёла шарбатга бир неча қошиқ асал қўшиб, ҳар куни ичилса, ларингит ва бронхитни тўзатади. Эрталабки нонустада олма, қаймоқ ва бир пиёла сут билан сабзи берилса, болаларнинг соғлиғини мустаҳкамлайди. Барглари ва илдизмевасидан ванна қилинса, бавосил (геморрой)ни даволайди.

Кўз оғриғида сабзи билан петрушка шарбатини 3:1 миқдорда аралаштириб, кунига 2 маҳал 1 стакандан истеъмол қилинса, тўзатади.

Йўтал ва сариқ касалида сабзи қайнатмасидан кунига 3 маҳал 0,5 стакандан ичилади.

Ошқозон яраси, яллиғлиниши бор кишиларга ҳамда турли операциялардан кейин бирданиға сабзи истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Латофат САБДУЛЛАЕВА тайёрлади.

## Фойдали МАСЛАҲАТЛАР

Ҳар ойда бир марта бошга лимон шарбати суриб юрилса, соч илдизи мустаҳкамланиб, бемаврид тўқилишининг олди олинади.

\*\*\*

Ёғли юзларда одатда нуқтадек қора доғлар пайдо бўлади. Бундан халос бўлиш учун майда туз аралаштирилган сован кўпигини юзга суриб, беш дақиқадан сўнг илиқ сувда ювиб ташлаш керак.

\*\*\*

Кўз нурининг ўткирлашиши, соч ўсишининг яхшиланиши ва қонда қанд миқдори меъёрида бўлиши учун организмда В6 витамини етарли бўлиши лозим. Ушбу витамин ёнғоқ, картошка, банан, сабзи, помидор, лимон ва сутли маҳсулотларда мавжуд.



\*\*\*

Шифокорлар саломатлигимиз учун С витамини жуда муҳимлигини тез-тез эслатиб туришади. Бу витамин апельсинга нисбатан қарамда кўп миқдорда учрайди. Шунингдек, қарам таркибидаги кальций ҳам судгагиға қараганда кўпроқ экан.

\*\*\*

Семизликдан қутулиш учун организмдаги ёғларни эритиш лозим. Қовун, олма, наъматак, пиёз, қарам, турп, саримсоқ ва қовоқ маҳсулотларидан кўпроқ истеъмол қилиш самарали фойда беради.

\*\*\*

Оқартирувчи тиш пасталаридан мунтазам фойдаланмаганингиз маъқул. Сабаби, у тиш эмалиға зиён етказилади.

\*\*\*

Ёзги мавсумда катта тош қадалган билагузуклар аёллар ва қизларга янада жозиба бахш этади.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.

# ТАРБИЯ САЛОМДАН БОШЛАНАДИ

...Йигит яхши кўрган қизи борлигини айтиб, уйланишга рози бўлгач, амма-хола бўлажак келинни суриштириш учун унинг маҳалласига йўл олишди. Бир эшикнинг кўнғироғини босишганида, ичкаридан ёшгина келинчак кўли кўсида "Ассалому алайкум", дея очик юз билан уларга пешвоз чиқди. "Безовта қилмадикмикан", дея хижолат бўлиб турган аёлларнинг ҳам юзи ёришди.

— Кечирасиз синглим, Шокир аканинг оиласи, қизи Дилфузахон ҳақида суриштириб юривдик. Яхши ниятда...

Келинчак аёлларнинг мақсадини дарров пайқадди ва қиз ҳақида гапиришга оғиз жуфтламоқчи бўлиб турганида, "ширк" этиб, ён кўшнининг эшиги очилиб, Дилфузанинг шарпаси кўринди. Келинчак унга сездирмай, аёлларга, "ана ўзи", дегандек имо қилди. Башанг кийинган, жуда чиройли қизга қараган совчилар анграйиб қолишди. Қизнинг кулогидан кулоқчин, оғзида сақич, аёлларга беписанд қараб кўяркан, саломни ҳам насия қилиб бамайлихотир ўтиб кетди. Ҳозиргина кайфиятлари чоғ бўлиб турган аёлларнинг бирдан хафсаласи пир бўлди. Кўшни жувон ҳам уларга хижолатли қараб, елка қисиб турарди. Аёллар суриштирувни тўхтатиб, изларига қайтишди. Катталарга салом бермаганига қараб, қизнинг тарбияси қандайлигини билиб олиш қийин

эмасди.

Совчилар гувоҳи бўлган бу хунук манзарани йигит севгилисига айтганида, қиз "европача тарбия олгани"ни баҳона қилиб, бу кўполлигини ювмоқчи бўлди...

Саломлашиш халқимизнинг азалий ва ҳеч қачон эскирмайдиган энг гўзал одатларидан бири. Кўчадан кирамизми, чиқамизми сўзимизнинг боши



салом билан бошланади. Боламизни чақалоқлигидаёқ бешиқдан олганимизда ҳам ёғлиб салом беришга ўргатамиз. Уйимизга кириб келган келинчакнинг "салом" идан кўнғимиз яйрайди.

Бу калом одамлар ўртасида хурматни, меҳр-оқибатни кучайтириб, кўнғилларни юмшатади. Ўз навбатида бизнинг қанчалар тарбияли эканимизни кўрсатади.

Ёшлигимда кўшни дугоналар билан ўйнаб юрганимизда, бувим бизни ёнларига чақириб, бирор бир енгилроқ юмуш билан банд қилиб қўйиб, хурмат-иззат, фаҳм-фаросат тўғриси-

## Ойна

да ривоятлар айтиб берардилар, "Таниган-танимаганларингга ҳам салом беришга ўрганинглар", деб насиҳат қилардилар.

Ассалому алайкум! Айтилиши унчалик қийин бўлмаган сўз-ку бу, шундай эмасми? Лекин негадир айрим ёшларимиз ўртасида салом беришга қийналаётганлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Айниқса, одоб-ахлоқ бобида ҳаммага намуна бўладиган қизларнинг бесаломлиги жуда хунук кўринади. "Ассалому алайкум" дейишга қийналиб, уни чала ярим, чайналган, қисқартирилган ҳолда айтганларнинг ҳам ҳисобига етиш мушкул.

Айрим ёшларимизнинг ўзбекиона гўзал аъналаримиз, ўзаро хурмат, меҳр-оқибатни уфтиб қўяётгани, ҳатто кўшнисини танимаслиги, атрофдагиларни менсимаслиги уларнинг фаросатсизлигидан эмас, балки оилада ўзбекиона тарбия сустлашганидандир. Натижада эса, "Биз европача муҳитда ўсганмиз, сал бошқача тарбия олганимиз", каби гап-сўзлар тез-тез қулоққа чалинади.

Машҳур спортчиларнинг бир қанчаси ўзлари бошқа миллат вакили бўлсалар-да интервьюларда, "Мен ўзбек маҳалласида катта бўлганман", дея фахрланиб гапирганини кўп эшитганимиз. Шу маънода маҳаллаларда ёшларни миллий руҳда, маънавий ётуқ, жисмонан баркамол этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар одамни қувонтиради.

Бизнинг ўзимизгагина хос миллий урф-одатларимиз, хусусан, муомала маданиятимиз ҳам бор. Унинг аввали "Ассалому алайкум"дан бошланади ва кўнғилларга илиқлик улашиб, меҳр-оқибатимизни кучайтиради. Бугун "европача тарбия" олганини фахрланиб гапирётган ёшларимиз ана шу фазилатимизни унутмас бўлган.

Гулноза БОБОЕВА.

## ОТАНИНГ ИСМИ-ШАРИФИ БЕРИЛАДИ

Ўғлим икки ой аввал касаллик сабабли вафот этди. Келиннинг етти ойлик ҳомиласи билан қолди. Айрим сабабларга кўра, уларнинг ўртасидаги никоҳ қонуний тарзда расмийлаштирилмаган эди. Бу ҳолда боланинг отаси сифатида марҳум ўғлимнинг исми-шарифи кўрсатилиши мумкинми?

Б. Тогаев.

Албатта, ўғлингиз ва келиннингизнинг никоҳлари қонуний қайд этилмаганлиги сабабли аввал боланинг туғилганлиги она яшаб турган ёҳуд бола туғилган тугўрхона ҳудудида жойлашган ФХДЁ органида ёлғиз она аризасига кўра қайд этилади. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 62-моддаси талабига биноан, боланинг онаси билан қонуний никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отаси, деб тан олган шахс вафот этган тақдирда унинг оталик фақти суд томонидан белгиланиши мумкин.

Оталикни белгилаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга

киргандан кейин, суд мазкур қарорнинг нусхасини боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган ФХДЁ органига юборди. Боланинг онаси суднинг ҳал қилув қарорига асосан, қарорнинг асл нусхасини, шахсини тасдиқловчи ҳужжати ва боланинг туғилиш гувоҳномаси асл нусхасини илова қилган ҳолда, ФХДЁ органига оталикни белгилаб бериш тўғрисидаги ёзма ариза билан қайта мурожаат этди.

**Саволга Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани ФХДЁ бўлими мудири Шоира АБДУЛЛАЕВА жавоб берди.**

## ОВОРАГАРЧИЛИК ШАРТ ЭМАС

Мен Ўзбекистонда яшайман, ота-онам ўн йилча аввал Козо-



ғистонга кўчиб кетиб, уша жойда вафот этишган. Опам эса уларнинг ўлими тўғрисидаги гувоҳномани йўқотиб қўйган. Айни пайтда уй-жойимизни расмийлаштириш учун мазкур гувоҳномани сўрашяпти. Менинг номимдан бирон танишим уша гувоҳномани олиб келса бўладими?

З. Жўраева.

Сиз ота-онангизнинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун ўзингиз боришингиз ёки давлат нотариал идоралари орқали бирон қилиши олиб келиши учун ишончнома билдиришингиз мумкин. Шунингдек, ортиқча овора бўлмаслик учун ўзингиз яшаб турган ФХДЁ бўлимига мурожаат қилсангиз сўровнома орқали ҳам ушбу ҳужжатни юборишди.


**Саволга Тошкент вилоят Адлия бошқармаси ФХДЁ архивлаш бўлими мудири Наталья ХОМИЧ жавоб берди.**

**Муассислар:** Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўпёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топширилш вақти - 15:00. Босишга топширилди - 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 100000. Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

**Бош муҳаррир:**  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА  
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ  
Мусаҳҳиллар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Гулноза БОБОЕВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 йилда рўйхатга олинган. Буюртма Г - 828. Формати А3, ҳажми 2 табоқ. Адади - 6848. Баҳо-си келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20  
Котибият: 234-76-08  
Мухбирлар: 233-04-50  
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

## АЛЕКСЕЙ КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Испанияда ўтказилган "Vila de Sitges - 2013" халқаро турнирида ҳамюртимиз Алексей Барсов кумуш медални кўлга киритди.

Ўттиз тўққизинчи маротаба ташкил этилган нуфузли мусобақанинг "А" гуруҳида дунёнинг ўн тўрт мамлакатидан 80 нафардан зиёд шахматчи дона сурди.

Гроссмейстеримиз Алексей Барсов мусобақа давомида бешта рақибини мағлубиятга учратди ва тўрт партияда дуранг ўйнади.

Тўққиз имкониятдан етти очко жамғарган Алексей Барсов нуфузли мусобақада иккинчи ўринни эгаллади.

Интернет манбалари асосида  
И. ЖУМАНОВ тайёрлади.

## РЕКЛАМА, ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар Юнусобод дизайн касб-хунар таълим муассасасига қарашли буфетнинг ижарага берилиши муносабати билан  
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**  
**Мурожаат учун телефон:**  
**237-65-43**

Тошкент шаҳар Олмазор политехника касб-хунар коллежи ўз тассарруфида бўлган буфетни ижарага бериш бўйича  
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**  
**Мурожаат учун телефон:**  
**246-74-16.**

Тошкент шаҳар Чилонзор коммунал хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи балансидан бўлган ошхонани юриштириш истагида бўлган юридик шахсларни  
**ТАНЛОВДА** қатнашишга таклиф этади!  
**Мурожаат учун телефон:**  
**191-24-67**

Аризалар танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 247-мактаб томонидан Холмирзаева Камолхон Баҳодир қизи номига берилган U № 4050384-рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани Миллий хунарамдчилик касб-хунар коллежи томонидан 05.07.2004 йилда Ҳамдамов Ботир Шухрат ўғли номига берилган тартиб рақами 61 №054805 рақамли димлом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманида жойлашган MADINAXON VASIL хусусий корхонаси тугатилди. Давволар бир ой муддатда қабул қилинади.

Тел.: 245-98-07.